

Қишлоқ хўжалиги машиналари



Астанақулов Комил Дуллиевич

Кафедра мудури, техника фанлари доктори, катта илмий ходим

Тел.: +99897-130-45-74

Email: k.astanakulov@tiame.uz

staff.tiame.uz

Кафедра 1929 йили Ўрта Осиё давлат университети базасида очилган. Кейин Ўрта Осиё пахтачилик-ирригация политехника институти таркибига кўчирилган ва унга профессор Я.Моисеевич раҳбарлик қилган. Тошкент қишлоқ хўжалиги ва ирригация инженерлари институти тузилгандан сўнг, рафедрага узоқ йиллар давомида академик М.В.Сабликов раҳбарлик қилди. М.В.Сабликов вертикал шпинделли пахта териш аппарати назариясини асосчиси ҳисобланади. 1957 йил М.В.Сабликов Москвадаги қишлоқ хўжалиги академиясига ишга чақирилган. Унинг ўрнига Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби В.И.Лазуновни кафедра мудури қилиб тайинлашган. В.И.Лазунов вертикал шпинделли пахта териш аппарати кинематик параметрларини асослашга катта улуш қўшган олимдир. В.И.Лазунов вафотидан сўнг, 1972-1983 йиллари кафедрага профессор С.П.Пўлатов раҳбарлик лавозимига тайинланган. С.П.Пўлатов қишлоқ хўжалиги экинларига кимёвий модда эритмаларини пуркайдиган ОВХ-14 машинасини яратган муаллифлар қаторида Беруний номидаги Давлат мукофотиغا сазовор бўлган. Профессор С.П.Пўлатов Республика Олий таълим вазири бўлиб ишлаган вақтда ҳам кафедра раҳбари бўлган. С.П.Пўлатов Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти ва Тошкент автомобил йўллари институтларида узоқ вақт ректор бўлиб ишлаган. 1983-1988 йил Кафедра мудури бўлиб Ўзбекистонда хизмат кўрсатган механизатор профессор М.С.Ғаниев тайинланади. Профессор М.С.Ғаниев ғўзапоя йиғиштиришни механизациялаш воситаларини яратишга раҳбарлик қилган. 1987 йил Кафедра мудури этиб доцент Т.Абдиллаев тайинланган. 1989 йили кафедра мудури этиб академик Р.Д.Матчонов тайинланган. Профессор Р.Д.Матчонов пахта териш машиналарини такомиллаштиришга катта ҳисса қўшган олим. 2000-2004 йилларда доцент Б.Й.Юсупов кафедрага раҳбарлик қилган. Кафедра олимлари Республикамиз Қишлоқ хўжалигини механизациялашни ривожлантиришда кўп хизмат қилганлар. Профессор М. Шоумарова 1971 йили ўзбек аёллари ичидан биринчи бўлиб техника фанлари номзоди илмий даражасини олган. Кафедра ўқитувчиларидан Н.П.Полекутин, К.И. Исаев, Д.М. Мусаев плугларни такомиллаштириш бўйича, М.Б.Богатирёв, Г.А. Тимофеев, Б.У. Утепов сеялкалар бўйича, Б.М. Колтунов, Ш. Дадажонов, А.Н. Ширманов, М.Шоумарова, Т. Абдиллаев, А. Дускуловлар пахта териш машиналари бўйича, Б.Худаяров комбинациялашган агрегат бўйича, А.Сирожиддинов, Д.Алижанов озуқа майдалагичлар

бўйича илмий ишлар олиб боришган. Кафедра ўқитувчиларидан профессор М. Шоумарова билан ҳамкорликда доцент Т. Абдиллаев ўқув адабиётларини яратиш устида кўп меҳнат қилишган. Улар олий талим ва ўрта махсус касб-хунар коллежлари учун 14 та дарсликларни ёзиб нашр этишга эришдилар. Олий таълим ва коллежлар учун ёзилган “Қишлоқ хўжалиги машиналари” фани бўйича дарслик энг яхши дарслик Республика танловида биринчи ва иккинчи ўринларни эгаллаган.

Қишлоқ хўжалигини меҳанизациялаш fakulteti Ўқитиладиган фанлар Илмий ишлар Тадқиқотчилар Ҳамкорлар Кафедра ходимлари Тўғараклар Дарс жадвали Алоқалар